ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 5 июл, чоршанба № 112 (2161)

Ушбу сонда:

2 СОХТА ҲУЖЖАТ МАШМАШАСИ

Ифтихор

3 РАҲМАТЖОН КЕЛТИРГАН РАҲМАТ

4 ҚАШҚАДАРЁ ОРОМГОҲЛАРИДА

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

## «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида

***Ҳаракат таркибидан, хусусан, шинам «Мерседес-Бенц» автобусларидан самарали, авайлаб ва мақсадли фойдаланишдан автобус саройлари ходимларининг манфаатдорлигини ошириш, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш ва шу асосда Тошкент шаҳри аҳолисига шаҳар автобус транспортида йўловчи ташиш хизмати сифатини яхшилашни таъминлаш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПФ-3713-сонли Фармони билан тузилган Ишчи комиссиясининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлат акциялари пакетларини, иловага мувофиқ, хусусий мулк этиб икки босқичда сотиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин: биринчи босқичда (2006-2007 йиллар) - жалб этилган хорижий кредитлар тўлиқ тўланган 159 та «Мерседес-Бенц» автобусларининг қиймати устав жамғармаларига қўшилишини ҳисобга олган ҳолда автобус саройларининг давлатга қарашли акцияларини сотиш; иккинчи босқичда (2008-2010 йиллар) - автобус саройларининг устав жамғармаларини Ўзбекистон Республикаси кафиллигида олинган ва ҳали тўлиқ тўланмаган хорижий кредитлар ҳисобидаги 362 та «Мерседес- Бенц» автобусларининг қиймати миқдорида кўпайтириш, шу қийматга тенг миқдорда қўшимча равишда чиқарилган акцияларни хусусий мулк этиб сотиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги, «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январигача 362 та «Мерседес-Бенц» автобусларининг қиймати қўшилишини ҳисобга олган ҳолда «Тошавтобустранс» АК автобус саройларининг устав жамғармаларини белгиланган тартибда мувофиқлаштирсин.

2. Белгилансинки, хусусий мулкида «Мерседес-Бенц» автобуслари мавжуд бўлган «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлат акциялари пакетлари ёпиқ кимошди савдоларини ўтказиш асосида биринчи навбатда автобус саройлари меҳнат жамоаларининг аъзоларига, шунингдек, «Тошавтобустранс» АК таркибига кирган ҳамда йўловчиларга бир маромда ва бехатар хизмат кўрсатишни таъминлайдиган ишончли автойўловчи ташувчи сифатида ўзини намоён этган автокорхоналарга сотилади.

3. «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлатга қарашли акциялари пакетларини сотишдан тушадиган маблағларини тақсимлашнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 30 фоизи, биринчи навбатда, «Мерседес-Бенц» автобусларини сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси кафиллигида жалб этилган хорижий кредитларни тўлашга;

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи 2010 йилнинг охиригача «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қайтариб бериш шарти билан автобус саройларининг ҳаракат таркибини янгилашда, шу жумладан лизинг асосида мақсадли фойдаланиш учун беш йил муддатга йўналтирилади;

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг қолган қисми қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда белгиланган тартибда «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлатга қарашли акциялари пакетларини автобуслардан автобус саройларига бириктирилган йўналишларда мақсадли фойдаланиш мажбурияти олинган ҳолда ёпиқ кимошди савдоларида сотиш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва «Асака» банкининг:

Тошкент шаҳар автобус саройларининг ҳаракат таркибини 2008- 2010 йиллар даврида босқичма-босқич янгилаш, бунда автобус саройларининг давлат акциялари пакетларини сотишдан тушадиган маблағларининг «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасида қолдириладиган қисми, шунингдек, автобус саройларининг ўз маблағлари, мамлакатимиз банклари ва хорижий банкларнинг, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобига асосан дизель ва газ ёнилғиси билан ишлайдиган автобуслардан фойдаланиш тўғрисидаги;

«Асака» банки ва «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан тегишли лицензия асосида тижорат мақсадида йўловчилар ташийдиган юридик шахсларга автобусларни лизингга бериш бўйича лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Янги ташкил этиладиган лизинг компанияси 2010 йилнинг 1 январигача Тошкент шаҳри автобус саройларига лизингга бериладиган йўловчи ташиш автобусларини олиб кириш чоғида божхона тўловлари тўлашдан озод қилинсин (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно).

6. Шаҳар йўловчи транспортининг бир маромда ва бехатар фаолият кўрсатишини таъминлаш, ҳаракат таркибини янгилаш, шаҳар йўналишларидаги автобуслардан самарали ва мақсадли фойдаланиш учун Тошкент шаҳар ҳокими (А.Ҳ.Тўхтаев) ва «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси (Ш.Ш.Муҳамеджанов) зиммаларига шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 июл

---

*Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида*

***Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи қарорларини бажариш борасида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳам муайян ишларни олиб бормоқдалар. Чунки унда меҳнаткашлар ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда касаба уюшмаларига оид бошқа қатор масалалар бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинганди. Ана шу долзарб вазифаларни адо этишда Тошкент автомобил ва йўллари институти бирлашган касаба уюшма ташкилоти жамоа шартномасини ўз фаолиятининг асоси қилиб белгилаб олган.***

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — ФАОЛИЯТ АСОСИ

Албатта бунинг ўзи бўлмайди. Ҳозирги давр ҳар бир касаба уюшма етакчиси, фаоллардан давр талабларига ҳамоҳанг бўлиб яшашни, мустақиллик менга нима берди деб эмас, балки мен истиқлолни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўша олдим деган тамойилга амал қилишни талаб қилади.

Институт ўқитувчи ва ходимлари ҳамда талабаларининг турмуш шароитини яхшилашни фаолиятининг бош мезони қилиб олган бошланғич ташкилотга энг аввало институт раҳбарияти, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти ҳамкорлик қилаётгани кишини қувонтиради. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўқув муассасаси раҳбариятининг яқин кўмагида, энг аввало инсон омилига ғамхўрликни кучайтириш, институтда хизмат қилувчи ҳар бир профессор-ўқитувчи ва ходим ҳамда асосий контингент ҳисобланмиш талабалар ижтимоий ҳимоянинг турли воситаларидан баҳраманд бўлиш, бу борада бирор киши ҳам эътиборсиз қолмаслигини назарда тутиб келмоқда. Бунда Республика Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар тармоқ кенгашининг кўрсатаётган ёрдами ҳам кўпгина муаммоларни ҳал қилишда ижобий рол ўйнамоқда.

Ҳозирги кунда институтда меҳнат қилаётган тўққиз юзга яқин профессор-ўқитувчи, ходимлар ҳамда салкам 3 ярим минг кишилик талабалар ижтимоий ҳимоянинг барча воситаларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

— Бирлашган касаба уюшма қўмитаси асосий эътиборни, — дейди институт раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Акмалжон Муҳитдинов, — касаба уюшмаларининг жамият ривожидаги ролини кучайтириш, республикамиз Президенти мамлакатимизда олиб бораётган сиёсатни институтнинг кўп минг кишилик жамоаси ўртасида кенг тарғибот қилишга қаратмоқда. Ушбу масалалар институт раҳбарияти ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасида ўз аксини топган. Қўмитага мазкур институтнинг собиқ талабаси, ходими, ўқув даргоҳининг барча муаммо ва ютуқларидан яхши хабардор бўлган Шамсиддин Алимуҳамедовнинг раҳбарлик қилаётгани қўйилган вазифаларни ҳамкорликда ҳал қилишда ижобий рол ўйнамоқда.

Ҳақиқатан ҳам бошланғич ташкилотнинг институт раҳбарияти билан ҳамкорликда амалга оширган, ошираётган ишлари билан танишганимизда қувонарли фактларга дуч келдик.

Жумладан, ўтган йили 926 нафар профессор-ўқитувчи ва ходимларга салкам 16 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, шу муддатда 262 нафар талаба 4,5 миллион сўмга яқин моддий ёрдамдан баҳраманд бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи ижтимоий масалаларни ривожлантиришда ҳали кўп ишлар қилиш лозимлигини белгилаб берди. Қурултойдан сўнг ўтган даврда институтда иш берувчи ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида асосий эътибор талабалар ҳамда уларнинг устозлари, оила аъзоларининг соғлиқларини тиклаш ва дам олдиришга, бу мақсадлар учун имтиёзли ҳамда бепул йўлланмалар ажратишга қаратилди. Жумладан, ўтган йили 83 нафар профессор-ўқитувчи ва ходимлар санаторий-профилакторийлар, спорт-соғломлаштириш ҳамда дам олиш масканларида даволаниб, ҳордиқ чиқаришган бўлса, талабалар ўртасида бу рақам 123 нафарни ташкил этди. Бундан ташқари, ўтган йилнинг 12 ойида дори-дармон учун 330 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, бу йилнинг уч ойи мобайнида ушбу мақсадлар учун 70 минг сўм ажратилди ва ундан унумли фойдаланилди.

Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Чанги-Ҳисорак» оромгоҳи институтга тегишли бўлиб, бу ерда ўқув полигони мавжуд. Ёз ойларида ушбу дам олиш зонасида амалиётни ўтаган талабалар ўқиш билан биргаликда саломатликларини ҳам тиклаб қайтадилар. Ҳозирги кунда бу ерда дам олувчилар учун коттежлар таъмирланиб, жиҳозланган, улар дам олувчиларни қабул қилишга шай.

Бирлашган касаба уюшма қўмитаси талабалар уйида яшовчилар ҳамда ижарада турувчи талабалардан ҳам доимо бохабар бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда талабалар уйида 450 га яқин ёшлар истиқомат қилишади. Улар орасида кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳам бўлиб, ўтган йили 100 нафарига яқини бепул нонушта билан таъминландилар. Бунга 1 миллион 300 минг сўм маблағ сарфланди.

Талабалар уйида кутубхона, спорт зали, очиқ спорт майдончаси, маънавият ва компьютер хонаси, дам олиш ва овқат тайёрлаш хоналари мавжуд. Бу ерда истиқомат қилувчи талабаларнинг бўш вақтларини мароқли ва қизиқарли ўтказиш учун институт маъмурияти ва касаба уюшмаси томонидан концерт ва спектаклларга бепул чипталар тарқатилиб келинмоқда. Бу ишлар учун институт маъмурияти томонидан 2 миллион 347 минг сўм ажратилган бўлса, касаба уюшма қўмитаси 400 минг сўм ажратди.

Ўқитувчи-ходимлар, уларнинг фарзандлари ҳамда талабаларни соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш институт касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқитувчи-ходимлар ҳамда талабаларнинг спартакиадаларини ўтказиш анъанага айланган. Жисмоний тарбия кафедраси футбол, волейбол, шахмат, стол тенниси бўйича ўтказиладиган мусобақаларга бош-қош. Институт кик-боксинг бўйича жаҳон чемпиони Даврон Қодиров, ёшлар ўртасида спортнинг ушбу тури бўйича жаҳон чемпиони бўлган Ҳамид Тўраев, миллий кураш бўйича Эронда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг ғолиби Шерали Тўраев каби талабалари билан ҳақли равишда фахрланади.

Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва институт раҳбарияти «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да институт ҳомийлигидаги тарбия муассасасидан ҳам доимо бохабар бўлиб келмоқда. 2006 йилнинг март ва апрел ойларида 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Болаларга совға-салом улашилди.

Институт маъмурияти ва бирлашган касаба уюшмаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасига киритилган барча бандларни амалга оширишдан ташқари, зарурият туғилганда унга ходимлар ва талабалардан тушган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритиш ҳам мўлжалланган. Улар ҳар хил йўналишдаги ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади.

Умуман олганда, Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ва институт маъмурияти томонидан ўқитувчи-ходимлар, талабаларнинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Жамоа шартномаси эса касаба уюшмаларининг ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

**Шавкат ЁҚУБОВ**

---

*«Ғалла — 2006»*

***Нон ҳиди. Нақадар тўйимли, нақадар суюмли. Янги буғдой унидан ёпилган бўрсилдоқ, ширмойи нонни танаввул қилсангиз кучингизга куч, қувватингизга қувват қўшилади.***

## ЧЎЛ ЮРТИНИНГ ЧЎНГ ХИРМОНИ

Ернинг ҳақиқий эгаси бўлган бободеҳқон рўзғорига барака кирганлигидан қувонасиз, мамлакат ғалла мустақиллигига эришганлигига шукроналар айтасиз. Йил бўйи тер тўкиб, қирмизи хирмонлар яратган юртдошларимиз жасоратига таҳсин ўқиймиз.

Иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бораётган Қашқадарё вилояти ғаллакорлари сув танқислиги ва рўй берган об-ҳаво қийинчиликларини енгиб катта зафар қучдилар. Мавжуд 205 минг гектар майдондаги ғалла майсаларини меҳр билан парваришлаган чўл деҳқонлари 313 минг 600 тоннадан ортиқ дон топшириб, шартнома режасини ошириб бажардилар.

Улкан хирмонга 34 минг тонна ўрнига 37,5 минг тонна дон тайёрлаган Нишон тумани меҳнаткашлари ажойиб ғалабага эришдилар. Бунга Миришкор, Касби, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши туманлари ғаллакорлари ҳам муносиб улуш қўшдилар.

Ерга меҳрини берган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Воҳада фермерчиликка кенг йўл очилганлиги ўз самарасини берди. Ялпи ҳосилнинг 90 фоизи фермерлар улушига тўғри келади.

Нишон туманидаги Тўра Раҳмонов бошлиқ «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги ғаллакорлари 85 гектар майдондан давлатга режадаги 161 тонна ўрнига 217 тонна сара дон етказиб бердилар. «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг республика босқичида энг яхши ҳомий йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган саҳий инсон ўтган беш йил давомида кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганларга ёрдам ва бошқа тадбирлар учун 55 миллион сўм маблағ сарфлади. Бу йил эса туман марказий шифохонасига махсус жиҳозланган тез тиббий ёрдам машинаси совға қилди. Етиштирилган ҳосил ҳисобидан фермер хўжалигининг 51 нафар аъзосига ҳам бир йилга етадиган ғалла тақсимланди.



Ғузор туманидаги Ғайрат Пўлатов бош бўлган «Шоймардон бобо Пўлат ўғли», Чироқчи туманидаги «Бердираҳмат Норқобилов», Миришкор туманидаги «Камалак», Шаҳрисабздаги «Назарова Рисолат», Нишондаги «Ҳайитмурод Фармонов», «Ибод Соҳибов», «Абдушукур бобо», Касбидаги «Ғайбулла Раҳмонов» каби фермер хўжаликлари деҳқонлари ғалла етиштиришда юқори натижаларга эришиш билан бирга бўлғуси пахта ҳосилига ҳам мустаҳкам замин тайёрламоқдалар.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700, буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темурнинг 670 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олишга аҳд қилган қашқадарёлик ғаллакорлар дон топширишни давом эттирмоқдалар.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

---

*Долзарб мавзу*

## ЁНАЁТГАН ЕР

Болаликдан хотирага муҳрланиб қолган воқеа ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Атрофи тоғлар билан ўралган сўлим Мироқини қашқадарёликлар кичик Швейцарияга қиёслашади. Шунинг учун ҳар фаслда бу жойда дам олишга келувчиларнинг кети узилмайди. Лекин ўшанда саратоннинг жазирамасида тоққа чиққан сайёҳлардан бири тамаки чекиб, уни ўчирмасдан ташлагани оқибатида салкам 4 гектардан зиёд табиий манзара ёниб кул бўлди. Ҳар мавсумда одамлар ана шу жойдан тонналиб дўлана, зира, зирк, бодом каби доривор неъматларни йиғиштириб олишарди. Орадан ўттиз йилдан кўп вақт ўтса ҳамки, кули кўкка соврилган тоғда на зира битади, на дўлана ва на зирк. Қадрдон гўшада бўлганда ўша пурвиқор тоққа термуламан. Савлат тўкиб турибди. Бироқ файз йўқ. Эҳтимол бу, табиатнинг инсонга қилган қайтариғидир...

Табиий ресурсларга хўжасизлик ва исрофгарчилик билан муносабатда бўлиш каби нохуш ҳоллар хусусида Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланганди. Гап ер ва она табиат инъом этган заҳираларни авайлаб-асраш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш ҳақида бораркан, шу кунларда баъзи фермер ва ширкат хўжаликларида кўр-кўрона йўл қўйилаётган кўнгилсиз бир ҳолатга алоҳида аҳамият қаратиш ўринлидир.

Қадимдан инсонга ер насиба улашиб, уни тўйғизиб келади. Бир пайтлар Она заминдан нотўғри фойдаланиш, яъни режа кетидан қувиб, 50-60 центнердан ошириб ҳосил берадиган тўйимли ерлар сунъий дориворлар таъсирида ҳолсизланиб, зўрға 18-22 центнердан хирмон кўтарадиган бўлиб қолганди. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан ҳукуматимиз экин майдонлари ҳолатини яхшилашга йўғрилган қарорлар, «Ер тўғрисида»ги, «Кадастр тўғрисида»ги Қонунларни қабул қилди.

Албатта, вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли эндиликда барча сувли ва лалми майдонлар ўз ҳолатига қайтаяпти. Чунончи, жорий йил ғалла ҳосилдорлигига назар ташланадиган бўлса, давлатга дон сотиш режасини уддалаган вилоятларда ўртача кўрсаткич 35-45 центнердан паст эмас. Бу — кейинги йилларда тупроқ унумдорлиги ва таркибини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Аммо бир яхшининг, бир ёмони ҳам бўларкан. Шу кунларда буғдойдан бўшаган далаларда такрорий экин экиш мақсадида айрим «тадбиркорлар»нинг экин майдонларини ёқиб юбораётгани атроф-муҳит, табиат, дов-дарахтларга салбий таъсир этиш қаторида ер структурасини бузиб, тупроқ таркибини мўътадиллаштириб турувчи қурт-қумурсқаларга ҳам қирон келтирмоқда. Насиба манбайига беписанд бўлиш оқибати кейинги йил ҳосили ва экини учун катта зиён етказиши мумкинлигини баъзилар ҳануз ҳис этмаётгани, айниқса, ачинарли.

Бир мисол. Тошкент—Термиз катта тракти ёнгинасида жойлашган Янгийўл туман тасаррурифидаги Мирзабобоев номли деҳқон хўжалигида 2 гектардан ошиқ ғалладан бўшаган майдон, шу туманнинг Эшонобод маҳалласидаги 5 гектар экинзор такрорий деҳқончилик қилиш баҳонасида ёқиб юборилиб, тутунга буркиб ётганини ҳеч бир сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича 2010 йилгача мўлжалланган Концепция — дастур ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, номи зикр этилган туман ёхуд ширкат ва фермер хўжаликларидаги мутасаддилар аҳволни кўра-била туриб, масъулиятни ҳис этишмаётгани таассуфлидир. Пойтахт вилоятидаги ғалладан бўшаган айрим далаларда нохуш ҳолат кузатилаётган бир пайтда, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё каби вилоятларда даладан сомон йиғиштириб олиниб, пешма-пеш ҳайдалгач, шароитдан келиб чиққан ҳолда такрорий экишга қўл урилаётир. Шуниси эътибор тортадики, ана шу вилоятларда қайта экиш, ёки ғалладан бўшаган майдонларни сомондан тозалаш учун уни ёқиш одати йўқ. Чунки одамлар сомонни ҳам буғдойдан кам кўришмайди.

Долзарб масалага эътиборнинг сустлиги Чиноз туманида ҳам Янгийўлдагидан кам эмас. Т. Эрназаров деҳқон хўжалиги ҳамда «Олмазор» маҳалласи ҳудуди асосан катта йўл атрофида жойлашган. Бу ерда ҳам салкам 5 гектар майдонни олов қамраб олган. Дала атрофидаги тут, жийда, чинор каби ўнлаб турдаги дарахтлар унинг тафтидан аллақачон сўниб бўлган. Ўтган-қайтган йўловчи аҳволни кўриб куйинади, бироқ шу жойда яшовчиларчи!

Бир неча йиллардан буён хўжаликлараро каналлар, коллекторлар ва бошқа суғориш тармоқларини тозалаш ҳамда таъмирлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан саъй-ҳаракатлар қилиниб, соҳага етарлича маблағ ажратилаяпти. Бинобарин, кейинги пайтда ана шу соҳада жуда кўп ишлар қилинди. Жумладан, арик-зовурлар тозаланиб, сизот сув оқизилаяпти, ерларнинг шўрланиш ҳолати яхшиланаяпти. Шу билан бирга зовурлар атрофи табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ихтиёрига ўтказилиб, турли хилдаги мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилаётгани қувонарли, албатта.

Бироқ ўз қўлимиз ва пешона тери ҳисобига бунёд этилаётган ажойиб манзараларни ҳимояга олишда ҳамда уни парваришлашда баъзи мутасадди ташкилотларда масъулият этишмаётгани кўринади.

Сирдарё тумани ва Бахт шаҳрини боғловчи катта кўприкнинг икки ёнида автомобилларга бензин ва газ қуйиш шохобчалари бор. Йўлнинг иккинчи тарафи эса Ж. Маманов номли фермерлар уюшмасига қарашли. Бу ерда ҳам қайсидир ташкилот балансида турган нефт маҳсулотлари идораси жойлашган. Ўз-ўзидан ёнғин хавфсизлигига жиддий эътибор қаратиш зарур бўлишига қарамай, бу ерда ҳам 1,5 гектарга яқин майдонни тутун қамраб олган. Олов тафтидан зафарон дарахт ва бўталар ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас. Хўш, шу ҳолат газ ёки бензин қуйиш шохобчаларига кўчса, оқибат нима бўлади? Ёки оловнинг бу жойларга хуруж қилмаслигига биров кафиллик берармикан? Ваҳолангки, хизмат кўрсатувчи шохобчалар олов ёнаётган жойдан атиги 150-200 метр олисликда жойлашган.

Ерни ёққан эл бўлмас, эл бўлса ҳам эр бўлмас, деган гап бор халқимизда. Айрим кишилар томонидан такрорий экиш баҳонасида ёқиб юборилаётган замин тақдири туман мутасаддиларининг, вилоят табиатни муҳофазалаш ташкилотларидагиларнинг наҳотки эътиборидан четга чиқиб қолаётган бўлса. Ўйлаймизки, долзарб масала нафақат жойлардаги мутасаддилар, балки кенг жамоатчиликни ҳам бефарқ қолдирмаса керак.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бандлик дастури — амалда*

# МЕҲНАТ БОЗОРИ

***Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси билан янги иш ўринлари яратиш тўғрисидаги дастурни амалга ошириш борасида изчил фаолият олиб бормоқда. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида қўшимча иш жойлари яратиш имкониятлари кўрсатиб берилган.***

Ижтимоий шерикчилик тамойили асосида 1098 та юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналарнинг 810 тасида жамоа шартномалари, битта вилоят миқёсидаги ҳудудий, 18 та тармоқ келишувлари 25 та туман миқёсидаги ҳудудий-тармоқ битимлари тузилган. Улар орқали ходимларнинг бандлик, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатлари қамраб олинган.

Махсус комиссия томонидан вилоят, туман миқёсидаги ҳудудий тармоқ келишувлари ҳар йили экспертизадан ўтказилиб борилади. Жойлардаги меҳнат бўлимларида билдириш рўйхатидан ўтказилиб, барча касаба уюшма ташкилотларига етказилмоқда. Режага кўра бирлашмада касаба уюшма фаоллари иштирокида аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат бозорини шакллантириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида семинарлар ўтказиб келинаётир.

Ҳар йили вилоятда 20 мингдан ортиқроқ янги иш ўринлари яратилиб, белгиланган режалар ортиғи билан бажарилмоқда. Бу борада Мирзачўл, Зомин туманларида катта тажриба тўпланган. Бунда бандлик жамғармаси, давлат бюджети, тижорат банклари улуши, хўжалик ва корхоналар, аҳоли маблағларидан кенг фойдаланиляпти. Чет эл сармояси улуши ҳам сезиларли даражада ортмоқда. Меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган шахслар —ногиронлар, болали аёллар ва бошқа табақадагилар учун минглаб квоталаштирилган иш ўринлари яратилмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш марказлари доимий ишлаб турибди. Меҳнат ярмаркалари барча шаҳар ва туманларда мунтазам ўтказилиб, уларда мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар иштирок этди.

**Илҳом ТУРСУНОВ,**
**Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири**

***Ҳуқуқий давлатнинг асосий кўринишлари фуқароларнинг моддий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўла муҳофазаланганлиги билан белгиланади. Давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, авваломбор унинг иқтисодий имкониятларига боғлиқ.***

# КИЧИК БИЗНЕС
## қўшимча янги иш ўринлари

Кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаётганлиги ҳам аслида шундан. Тадбиркорлар фаолиятини эркинлаштириш ва қўллаб-қувватлашга доир бир қанча қонун ва меъёрий ҳужжатларининг қабул қилинганлиги ва ҳаётга тадбиқ этилганлиги туфайли иқтисодиётда кичик бизнеснинг ўрни тобора ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Жумладан, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Мазкур қонунларнинг ижроси юзасидан жумладан, Элликқалъа туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда бир минг уч юздан зиёд юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, шундан мингга яқини тадбиркорлик субъектларини ташкил этади. Бугина эмас. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан аҳоли ўртасида ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент Фармонлари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ ўтган йили икки юздан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатдан ўтказилди. Бундан ташқари, икки юздан зиёд якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатдан ўтказилиб, бунинг натижасида икки ярим мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик субъектларининг сони яна 112 тага кўпайди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

***Олот туманидаги «Асртўқимачи» масъулияти чекланган жамият ишлаб чиқариш кўламини кенгайтирганлиги эвазига яна 50 та янги ишчи ўрни яратилди.***

## ИШЧИЛАР 50 НАФАРГА КЎПАЙДИ

Корхона директори Жаҳонгир Зоировнинг сўзига кўра, «Ўзсаноатқурилишбанк» кредити ҳисобига жорий йилда хориждан замонавий ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олинди. Айни пайтда уларни ўрнатиш ишлари якунланди. Энди юқори сифатли экспортбоп калава-ип тайёрлаш ҳамда ички бозорни тўлдириш имкони пайдо бўлди.

«Асртўқимачи» 2002 йилнинг майида «Худайназар» фермер хўжалиги таъсисчилигида ташкил этилган.

**«Туркистон-пресс»**



*Ахборот*

## «МУРУВВАТ УЙИ» ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ
### имтиёзли соғломлаштирилди

Навоий вилоятидаги «Офтобжон» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳи йил сайин ободонлашиб бормоқда. Биргина шу йилнинг ўзида бу ерда таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ишлари учун 190 миллион сўм сарфланди. Айни кунларда барча қулайликлар яратилган мажмуада 310 нафар бола ҳордиқ чиқармоқда. Мавсум давомида эса мазкур дам олиш маскани 1000 нафарга яқин болани қабул қилиб олади. Уларнинг 50 нафари корхона ҳисобидан соғломлаштирилади. Шунингдек, ушбу масканда мурувват уйи ҳамда кам таъминланган оила фарзандларини ҳам дам олдириш режалаштирилган.

## ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ

Балиқчи туманидаги сўлим табиат қўйнида барпо этилган «Уч соҳил» ва «Дилором» дам олиш масканлари ҳозирги кунда намунали фаолият кўрсатаётир. Бу ерда болажонларнинг мириқиб, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит муҳайё. Бунинг учун ҳомийлар жонкуярлик қилишмоқда. Чунончи, Қорадарё ва катта Андижон канали туташган жойда барпо этилган «Уч соҳил» оромгоҳи йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бўлган «Алишер Навоий- интернейшнл» қўшма корхонаси ҳомийлигига олинган.

Юксак талаблар даражасида таъмирдан чиқарилган масканда жорий мавсумда 900 нафардан зиёд болалар соғлигини тиклайдилар.

«Дилором» эса туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши ҳамда фермерлар уюшмаси ҳомийлиги асосида фаолият кўрсатаётир. Бу ерда тармоқ меҳнаткашларининг 450 нафардан ортиқ фарзанди кўнгилдагидек дам олишмоқда.

## КАСБ-ҲУНАР ҲАМ ЎРГАНИШМОҚДА

Жорий йилда Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан 13 минг 945 нафар ўқувчиларни 14 та шаҳар ташқарисидаги ёзги болалар оромгоҳларида дам олдириш режалаштирилган. Айни вақтда Хоразм вилояти меҳнаткашларининг фарзандлари ҳам ёзги таътил кунларини ушбу ҳудуднинг сўлим гўшаларида ўтказишмоқда.

Шу жумладан, Хива туманидаги 20-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, Янгибозор, Гурлан ҳамда Боғот туманидан келган ўғил-қизлардан 820 нафари «Хумо», «Оқ елкан» каби оромгоҳларда дам олишяпти. Улар саломатликларини тиклаш ҳамда мириқиб ҳордиқ чиқариш билан бирга, тикувчилик ва пазандалик сирларини ҳам ўрганишяпти. Бундай тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида малакали мутахассислар жалб этилган.

**Ўз мухбирларимиз**

***Ҳар қандай уюшма ва ташкилот кучи ҳамда таъсирчанлиги унинг аъзолари сони ва албатта, бунинг оқибати ўлароқ жамият ҳаётида тутган ўрни билан белгиланади. Бу ҳол, жумладан, касаба уюшмалари фаолияти учун ҳам хос.***

*Жараён*

# САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Касаба уюшмалари мазмун-моҳиятига кўра меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилади, уларнинг унумли меҳнат қилиши, замон талаблари асосида ҳаёт кечириши, ўзи ва оила аъзоларининг саломатлиги учун ўзини масъул деб ҳисоблайди. Шунинг учун зарур шарт-шароит яратиб беришга интилади, талаб этилган пайтда маъмурият ва бошқа бошқарув органлари билан музокаралар олиб бориб, ана шу мақсаднинг рўёбга чиқишига эришади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан юз берган ўзгаришлар, мулк шакли масаласидаги янгиланишлар вилоятимиз касаба уюшмалари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топди. Бир қатор завод ва фабрикалар таназзулга учраб, кўплаб хусусий шахобчалар ва корхоналар юзага келди. Янгидан ишчи ўринлари яратилди. Натижада ишсизлик деб аталмиш биз учун янгича тушунча истеъмолга кириб келди ва айни вақтда янги ва янги талаблар асосида қўшма корхоналар пайдо бўлди. Айниқса, вилоятимизда хусусий тадбиркорлик ва фермерлар фаолияти кенг қулоч ёзди. 2005 йил 1 январ ҳолатига кўра вилоят кенгаши тасарруфида 239 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, 11 та туман вакиллиги мавжуд бўлиб, уларга 30352 нафар касаба уюшма аъзоси бирлашган. Шунингдек, кенгаш тасарруфида 1 та бирлашган, 76 та бошланғич касаба уюшма қўмиталари ва 563 нафар касаба уюшма ташкилотлари ишлаб турганлигининг ўзиёқ кўп нарсани англатади.

Жараён шу билан тўхтаб қолмади. Ташкилотлар негизида 10 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ташкил этилди. Ана шундай ўзгаришлар натижасида бошланғич ташкилотлар сони 10 тага кўпайиб, 249 тани, аъзолари сони 370 нафарга кўпайди.

Йил давомида Мингбулоқ тумани тармоқ касаба уюшма туман вакиллиги ташкил этилди ва туман вакилликлари сони 12 тага етказилди. Наманган шаҳар озиқ-овқат корхонаси бирлашган касаба уюшма қўмитасига чиқувчи ягона бошланғич ташкилоти таркиб топди ва ҳақ тўланадиган аппаратга эга бўлган касаба уюшма қўмитаси тузилди. Ҳозирги кунда мавжуд 249 та бошланғич ташкилотлардан 89 тасида касаба уюшма қўмиталари, 160 тасида касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 60 тасини аёллар ва 5 тасини 30 ёшгача бўлган ёшлар бошқаришмоқда.

Аъзолар сафини кенгайтиришда қатор бошланғич ташкилотлар алоҳида ўрнак кўрсатишяпти. Чунончи, Тўрақўрғон туманидаги «Сой бўйи» ишлаб чиқариш хусусий фирмасида бу борадаги кўрсаткич бугунги кунда 64 нафарга етди. Наманган шаҳар савдо-саноат палатасидаги касаба уюшма аъзолари сони 63 нафарга, Чортоқ туман "Само" масъулияти чекланган жамиятда 60 нафарга, Косонсой туман савдо-саноат палатасида 42 нафарга етди. Умуман вилоят миқёсида касаба уюшма аъзолари сони 370 нафарга кўпайди.

Шу тариқа аъзолар сони ўсиб, касаба уюшма тузилмаси такомиллашиб бормоқда. Бу эса, ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш, уларни ва оила аъзоларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш имкониятини бермоқда.

**Гулчеҳра ҚОДИРОВА,**
**Наманган вилоят савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Кенгаши раисининг ўринбосари**

## АЁЛЛАР ХИЗМАТИДА 33 ЙИЛ

*Бешариқ шаҳар поликлиникаси гинеколог-врачи Ойшахон Юнусова асли Наманганддан келин бўлиб тушган. Умр йўлдоши Ёқубжон Юнусов билан бирга ўқиган. Ёқубжон ҳам шу поликлиникада врач-терапевт бўлиб ишлаяпти. 33 йилдирки, бир жойда ишлаб келмоқда. Уни туманда танимаган одам йўқ, айниқса аёллар. Унинг назоратида туғилган ўғил-қизлар ҳозир 33 ёшга кирди. Ойшахон ўнлаб врач ва ҳамшираларга устозлик қилган. Ҳар сешанба куни Яккатут қишлоқ поликлиникасида ҳомиладор аёлларни кўрикдан ўтказади. Ойшахон Юнусованинг оиласини шаҳарда ҳурмат қилишади ва ҳавас қилишади.*

**Суратда: врач О.Юнусова.**

**Т.МАҲКАМЗОДА олган сурат**

*Қилмиш-қидирмиш*

***Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ҳар бир меҳнат жамоасида қонунийлик муҳити барқарорлигини давлат ва жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи камчилик ва нуқсонларга нисбатан муросасиз бўлишни тақозо этмоқда. Мутасадди раҳбардан тортиб оддий ходимгача ўз вазифасига виждонан ёндошибгина бунга эришиш мумкин. Афсуски, ўз манфаатини давлат ва халқ манфаатидан устун қўяётганлар ҳамон учраб турибди.***

# СОХТА ҲУЖЖАТ МАШМАШАСИ

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди томонидан судланган қуйидаги шахслар шундайлар сирасидан бўлиб чиқди. Яъни, «Зар Ҳамроҳ» фермер хўжалиги раҳбари З.Раҳимова бошқалар қатори ўз фаолиятини ҳалол бажариб, мўмай даромадга эга бўлишини ўйлаб кўрмади ҳам. Нафс балосига йўлиқдию, тўғри йўл туриб эгри йўлни танлади. Ҳамтовоқлар ҳам топила қолди. У тузган режани шаҳар халқ таълими бўлими мансабдор шахслари ҳамда фермер хўжалиги таъминотчиси О. Рустамов ва вилоят назорат-тафтиш бошқармаси тафтишчиси Р.Муллажоновлар қўш қўллаб маъқуллашди. Бунда 2004 йилнинг 5 январида хўжалик томонидан шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли мактабгача таълим муассасаларига озиқ-овқат етказиб бериш бўйича тузилган шартнома асқотди.

Шундай қилиб, фермер хўжалиги раҳбари З.Раҳимова режага асосан бозордан улгуржи савдо йўли билан килоси 1700 сўмлик «Шедрое лето» маргаринидан 7925,7 кг миқдорида сотиб олиб, 3300-3400 сўмлик сариёғ ўрнига мактабгача тарбия муассасаларига пуллаш чоралари ишлаб чиқилди.

Жиноий шериклар ёрдамида юк ҳужжатлари қалбакилаштирилиб, расмийлаштирилди. Вилоят назорат тафтиш бошқармаси тафтишчиси Р.Муллажонов ҳамда шаҳар халқ таълими бошқармаси мансабдор шахслари билан келишилган ҳолда сохта шартнома тузилди. Дастлаб 20 миллион бўлган сумма 42 миллион қилиб ўзгартирилди. Қарабсизки, давлат маблағи ҳисобидан 12 миллион 780 минг 120 сўм чўнтакда. Бу ҳам етмагандай шериклар ҳар бир килограмми 125 сўмдан бўлган 8000 кг сабзини килоси 200 сўмдан олинди қабилида расмийлаштириб, 1 миллион 600 минг сўм ҳисобига мактабгача тарбия муассасаларига топширишди. Натижада Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимига улар томонидан жами 13 миллион 318 минг 120 сўм миқдорида зарар етказилди.

Қарангки, Фарғона шаҳар «Бахридил-Саттор АРС» масъулияти чекланган жамиятда директор лавозимида ишлаган Р.Аҳмедов ҳам нафс қулига айланганини маълум бўлиб қолди. У бош муҳандис А.Сулаймонов билан жиноий тил бириктириб, Қувасой кўчасидаги 201-уйни мукаммал таъмирлаш тўғрисида Фарғона шаҳар уй-жойларга ТХККШ бирлашмаси билан тузилган шартномага асосан таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 1 миллион 156 минг 995 сўмлик хизматлар бажарилди, бажарилмаган ишлар учун сохта далолатномалар тўлдирилиб, шаҳар уй-жойларга хизмат кўрсатиш корхоналар ва ширкатлар уюшмасидан юқоридаги маблағ ундириб олинди.

Шундан сўнг, Р.Аҳмедов ноқонуний ҳаракатини давом эттириб, шаҳардаги А.Қодирий кўчасидаги 10-уйни таъмирлаш мақсадида тузилган шартномага асосан юқоридаги тарзда уюшмага қалбаки ҳужжат топшириб, 269 минг 195 сўм миқдорида зарар етказди. Устаси фаранг Р.Аҳмедов пул топишнинг бошқа йўлларини ҳам жорий қилди. У ўзи бошқараётган масъулияти чекланган жамият фаолиятига «тузатиш»лар киритиб, Фарғона шаҳар ДСИга тўлов ҳажми камайтириб кўрсатилган ҳисоботни топширди.

Бошқача айтганда, соф фойдадан, экология солиғидан, мол-мулк солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда пенсия ва ягона автойўл жамғармаси ажратмалари ҳисобидан жами 2 миллион 652 минг 400 сўмлик тўловни яшириб қолди.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади, деганлари бор гап. Қўқон шаҳридаги «Қўқонмаш» ОАЖ директори А.Маматалиев ва «Кўхинур» хусусий кичик корхонаси раҳбари А.Шамсутдиновларнинг ноқонуний ҳаракати кўпга бормади. Улар ўзаро жиноий тил бириктириб нималар қилишмади дейсиз. Аввалига «Ҳамкорбанк» АТБнинг Қўқон филиалидан катта миқдорда кредит олиш мақсадида сохта «Бизнес режа» ишлаб чиқишди. Сўнгра олинган кредитнинг сарфланиши ҳақидаги сохта ҳужжатлар тайёрланди. Банк томонидан «Қўқонмаш» ОАЖга бир йил муддатга 30 миллион сўмлик кредит ажратилган куннинг ўзидаёқ ушбу маблағ «Қўқонмаш» ОАЖдан «Кўхинур» хусусий кичик корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборилди. Пухта ўйланган режа қўл келаётганидан хурсанд А.Маматалиев қилмиши фош бўлишининг олдини олиш мақсадида «Кўхинур» корхонасидан «Қўқонмаш» ОАЖга 2 миллион 88 минг сўмлик тунука келтириб қўйишни ҳам унутмади. Қолган 27 миллион 120 минг 150 сўмга ҳам шундай маҳсулот олинганлиги тўғрисида сохта ҳисоб ҳужжатлари тузилди. Иштаҳаси карнай А.Маматалиев ва А.Шамсутдиновлар қолган маблағ ҳисобига турли ташкилотлардан маҳсулотлар олиб сотиб, сотувдан тушган пулларни назорат касса машинасига кирим қилмасдан, ҳатто банкка ҳам туширмасдан ўзаро тақсимлаб чўнтакка уришди.

Бу ҳам камлик қилгандай А.Маматалиев бош ҳисобчи И.Сатторов билан келишган ҳолда «Қўқонмаш» ОАЖнинг ишчи хизматчиларига берилиши керак бўлган 9 миллион 900 минг сўм нақд пулларни жамият акционерлари И.Маматалиев, А.Бердиев, Т.Усмонов ва Д.Одиловларга бериб юборишди. Натижада ишчилар ойлик маошларини бир ой кечикиб олишди.

Ўз манфаати ва ошна-оғайнигарчиликни барча устувор фазилатлардан устун қўйганларнинг сири барибир ошкор бўлди. Улар ўз пушаймонликларини билдиришди. Энди бундан кимга фойда-ю, кимга зарар? Бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керак эди.

**Роза САЙДАҲМЕДОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

***Мамлакатимиз ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражаси билан боғлиқ. Уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш эса касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойида бу борада қатор вазифалар белгилаб олинган эди. Уларни бажариш юзасидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ кенгашлари вакиллари ва бошланғич ташкилотлар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

# МУРОЖААТ ҚИЛГАНЛАР ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Президентимизнинг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганишни яхшилаш ҳақида»ги Фармони ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган кенг қамровли дастур бу борада қўл келмоқда. Натижада меҳнаткашларда ўз ҳақ-ҳуқуқини билиш ва уни талаб қила олиш кўникмаси шаклланмоқда. Хусусан, ўтган ярим йилликда касаба уюшма ташкилотларига фуқаролардан 500 га яқин оғзаки ва ёзма мурожаатлар тушди. Улардан 478 тасининг талаби қондирилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ноқонуний ишдан бўшатиш, ҳеч қандай сабабсиз бошқа вазифага ўтказиш, мажбурий бекор юрган вақтлари учун ҳақ тўламаслик ҳолатлари меҳнаткашларнинг норозилигига сабаб бўлган. Кўпинча мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлиги пастлиги оқибатида ишловчиларнинг қонун билан ҳимояланган меҳнат ҳуқуқлари камситилишига йўл қўйилаяпти. Мисол учун, вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармасида ходимларга 25 миллион сўм миқдорида иш ҳақи тўланмаганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси моддалари талаблари бузилганлиги юзасидан бошқарма касаба уюшма қўмитаси Қарши шаҳар прокуратурасига мурожаатнома тақдим этди. Прокуратуранинг амалий ёрдами туфайли муаммо ўз ечимини топди.

Бахтсиз ҳодиса туфайли ишга яроқсиз бўлиб қолган ёки вафот этган кишиларнинг оилаларига товон пуллари ундириб берилишида ҳам касаба уюшма ташкилотлари аралашуви муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кенгашининг кўмаги билан Косон туманидаги Ҳамид Олимжон номли умумтаълим мактаби собиқ ўқитувчиси Г.Ҳалимовага 209 минг 143 сўм, Зебунисо номидаги мактаб муаллими И. Бойназаровга 1 миллион 16 минг сўм товон пуллари ундириб берилди.

«Қашқадарёқурилиш» масъулияти чекланган жамиятига қарашли 219-механизациялашган кўчма жамланма ишчиси Р.Зейнулин бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмган. Маъмурият эса марҳумнинг оиласига товон пули тўлашни хаёлига ҳам келтирмади. Касабақўм саъй-ҳаракати натижасида бу масала ижобий ечим топди.

Шунингдек, таълим тизимида ноқонуний ишдан бўшатилган 12 нафар мактаб директори, 10 нафар педагог ўз вазифасига қайта тикланди. Бундан ташқари, «Мубораkнефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси ишчи Олия Тўраевани, бирлашма «Қашқадарётелеком» филиали ходими А.Шариповани ноҳақ ишдан озод қилинганлиги боис қонун доирасида ҳимоя қилди.

Жорий йил бошида барча туманларда касаба уюшма қўмиталари раислари, мутахассислар, ходимлар бўлими нозирлари ва ҳуқуқшунослар учун меҳнат қонунчилигига бағишланган ўқув семинарлари уюштирилиб, уларнинг ҳуқуқий малакаси оширилди.

Ҳуқуқий тарбия боғча ва мактабдан бошланади. Вилоят ҳокимининг фармойиши билан ҳар ойнинг биринчи якшанбаси «Болалар куни» деб эълон қилинган. «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остида махсус ҳафталиклар, маданий-маърифий ва ижтимоий ҳимоя тадбирларини ўтказиш анъанавий тус олган.

Барча таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курслари ташкил этилган. Боғчаларда Конституция сабоқлари ўтилади. Умумтаълим мактабларида ҳафтада бир кун «Ҳуқуқий билимлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш куни» деб белгиланган.

Қарши шаҳридаги «Нодирабегим», Қамаши туманидаги «Лола», Ғузордаги «Зилола», Шаҳрисабздаги «Наргиз» каби болалар боғчалари, Қамаши туманидаги 2-ихтисослашган мактаб, Ғузордаги 3-умумтаълим маскани, Шаҳрисабздаги 46 ва 71-мактабларда ҳуқуқий тарбия борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Уларда «Ёш ҳуқуқшунослар» тўгараклари фаолияти кенг йўлга қўйилган. «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Сиз қонунни биласизми?» каби кўрик танловлар байрамона тусда ўтказилмоқда.

Оила – тарбиянинг асоси. Касаба уюшма фаоллари ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда қишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, оилалардаги тарбия муҳити билан яқиндан танишяптилар. Ота-оналар билан вояга етмаган фарзандларини соғлом, жисмонан бақувват, маънавий етук бўлиб камолга етиши хусусида суҳбатлар ўтказишмоқда. Кам таъминланган оилалар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва маданияти юксалса, жамиятда қонун устуворлиги таъминланади. Бунинг учун эса кишиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ёшларни ҳалоллик, инсонпарварлик, қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларини ҳеч қачон сусайтирмаслик лозим.

**И.АҲМЕДОВ,**
**Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари**

